

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НАСРИТДИНОВА ШАХНОЗА ИБРАГИМОВНА

НЕВРОЛОГИК ВА ДЕПРЕССИВ БУЗИЛИШЛАР ИСТИҚБОЛИНИ
БЕЛГИЛАШНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА КОРОНАВИРУС
ИНФЕКЦИЯСИНИ ҲОМИЛАДОРЛИК ВА ТУҚҚАН АЁЛЛАРГА
ТАЪСИРИ

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

14.00.13 – Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

БУХОРО – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Насритдинова Шахноза Ибрагимовна

Неврологик ва депрессив бузилишлар истиқболлини белгилашни ҳисобга олган ҳолда коронавирус инфекциясини ҳомиладорлик ва туққан аёлларга таъсири..... 5

Насритдинова Шахноза Ибрагимовна

Влияние коронавирусной инфекции на течение беременности и после родов с учетом прогнозирования неврологических и депрессивных расстройств.... 25

Nasritdinova Shakhnoza Ibragimovna

The influence of coronavirus infection on the course of pregnancy and childbirth, taking into account the prediction of neurological and depressive disorders 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НАСРИТДИНОВА ШАХНОЗА ИБРАГИМОВНА

НЕВРОЛОГИК ВА ДЕПРЕССИВ БУЗИЛИШЛАР ИСТИҚБОЛИНИ
БЕЛГИЛАШНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА КОРОНАВИРУС
ИНФЕКЦИЯСINI ҲОМИЛАДОРЛИК ВА ТУҚҚАН АЁЛЛАРГА
ТАЪСИРИ

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

14.00.13 – Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

БУХОРО – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Tib2052 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар

Ихтиярова Гульчехра Акмаловна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
Ҳайдарова Дилдора Қодировна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар

Зуфарова Шахноза Алимжановна
тиббиёт фанлари доктори
Азизова Раъно Баходировна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот

Н.И.Пирогов номидаги Россия миллий
тадқиқот тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 20 22 йил «25» Феврал соат
12:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй.
Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш
мумкин (№ 071 рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-
уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация автореферати 2022 йил «11» Феврал кунини тарқатилган.
(2022 йил «11» Феврал даги 1933 рақамли реестр баённомаси)



[Signature] Д.Т. Ходжиева

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, тиббиёт фанлари
доктори, доцент

[Signature]

Н.Н.Каримова

Илмий даражалар берувчи берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт
фанлари доктори, доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори диссертациянинг автореферати)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва мавзуга кўйилган талаблар. Ҳозирги кунда COVID-19 пандемия сифатида бутун дунё миқёсида мисли кўрилмаган даражада тарқалиб аҳоли саломатлиги учун жиддий глобал муаммога айланди. Ушбу вируснинг бутун дунё бўйлаб пандемияга айланиш эҳтимоли жаҳон саломатлиги учун жиддий хавф бўлиб, ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврдаги акушерлик ва перинатал асоратлардан ташқари, уларни таҳликага солувчи неврологик ва депрессив муаммолар ривожланишига сабаб бўлди. Ҳомиладор аёлларда асаб ва депрессив касалликлар ва уларнинг COVID-19 билан боғлиқлигини ўрганиш акушерлик ва неврология фаолятининг долзарб муаммосидир. Эпидемия туфайли жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) «...Соғлиқни сақлаш бўйича халқаро аҳамиятга молик фавқулдда ҳолат эълон қилди ва дунё миқёсидаги хавфлар жуда юқори деб баҳоланмоқда...»¹.

Ҳозирги вақтда дунё миқёсида ҳомиладор аёлларда COVID-19 сабаб бўлувчи - SARS-CoV-2 зарарланганда ифекцион жараёнларнинг намоён бўлиши тўғрисидаги маълумотлар пайдо бўлиб бормоқда. Ушбу муаммоларни ўрганишнинг долзарблиги ва зарурлиги жуда муҳим, чунки ҳомиладорлик пайтида ва туғруқдан кейинги даврда неврологик ва депрессив касалликлар ривожланишининг патогенетик механизмларини ўрганиш COVID-19 нинг ҳомиладорлик ва туғруқдан кейинги даврлардаги таъсирини аниқлашга имкон беради. Шу сабабли, коронавирус инфекциясига чалинган аёлларда туғруқдан кейинги даврда неврологик касалликларни ўрганиш учун услубий қўлланма зарур.

Мамлакатимизда асаб касалликларни барвақт аниқлаш, сифатли ташхис қўйиш ва даволаш бўйича комплекс кенг кўламли дастурлар амалга оширилаётгани, хусусан, замонавий соғлиқни сақлаш тизимининг асосий вазифаларидан бири «...ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини тубдан яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирларни асаб тизими касалликлари билан оғриган беморларга юқори технологияли ихтисослаштирилган ёрдам сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш...»² бўлиб ҳисобланади. Келтириб ўтилган фармон тиббиётнинг барча йўналишлари бўйича замонавий илмий-тадқиқот фаоляти ютуқларини ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тизимига фаол жорий этишни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикасида COVID-19 тарқалишининг олдини олиш мақсадида Президентнинг 2020-йил 19-мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқирозининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сон қарори қабул қилинди ҳамда 23-март куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Коронавирус инфекцияси

¹ World Health Organization. Clinical management of severe acute respiratory infection when COVID-19 is suspected: interim guidance. Available at: [https://www.who.int/publications-detail/clinical-management-of-severe-acute-respiratory-infection-when-novel-coronavirus-\(ncov\)-infection-is-suspected](https://www.who.int/publications-detail/clinical-management-of-severe-acute-respiratory-infection-when-novel-coronavirus-(ncov)-infection-is-suspected). Accessed Jan. 20, 2020.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июньдаги ПҚ-3071-сон қарори " 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида".

тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 176-сонли қарори ва 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887 сонли “Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди. 2020-йил 12-ноябрдаги ПҚ-4891-сон “Тиббий профилактика бўйича ишлар самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари асосида мазкур диссертация ушбу фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг бажарилишига маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республиканинг фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ амалга оширилди IV. «Тиббиёт ва фармакология».

Муаммони ўрганилганлик даражаси. COVID-19 туфайли келиб чиққан ҳозирги пандемия, пневмония билан асоратланган, айниқса аҳолининг заиф қатламлари учун хавfli бўлиб, жамоат соғлиқни сақлашда муҳим ва жиддий аҳамият касб этади. Ҳомиладор ва тукқан аёлларда нафас йўллариининг асоратлантирувчи патологиялари ва асаб патологиялар билан юқумли касалликларнинг авж олиши юқори хавф гуруҳни ифодалайди. (Wang C. et al., 2020; Schwartz D.A., 2020). Ҳомиладорликнинг триместрларига мос келадиган босқичларда ҳомиладор аёлларнинг когнитив функцияларини ўрганиш маълумотлари жуда кам. Шунинг учун физиологик ҳомиладорликнинг I, II, III триместрларида ҳамда енгил ва оғир коронавирус инфекцияси билан асоратланган ҳомиладорликнинг учинчи триместридаги асаб тизимининг ҳолатини ўрганиш мақсадга мувофиқ ва долзарбдир (Wu Y, Zhang C, Liu H, et al., 2020; Rayner C., Lokugamage A., Molokhia M., 2020). Бош миянинг биоэлектрик фаоллигини, автоном нерв тизимининг ҳолатини, ҳомиладор аёллар ва тукқан аёллардаги баъзи гемодинамик кўрсаткичларни ўрганиш натижаларини тақдим этадиган бир нечта нашрлар мавжуд (Юпатов Е.Ю. и соавт; 2020; Холматова Н., 2021)

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда турли вирусли инфекциялардан, шу жумладан COVID-19 дан кейин ҳомиладорлик ва туғиш асоратлари ривожланишининг патогенетик механизмлари (Абдуллаева Л.М., Ешимбетова Г.З., Мўминова Н.Х. 2019, 2020, 2021) нуқтаи назаридан ўрганилмоқда. Физиологик ҳомиладорликнинг ҳар бир триместрини тавсифловчи асаб тизимининг кўрсаткичларини ҳар томонлама (Дўстова Н.К. 2021) ўрганилди. Бу ўта долзарб бўлиб, асаб тизими функциясини издан чиқарувчи, мослашиш механизмларининг патологияси ва ҳомиладорлик асоратларининг пайдо бўлишига олиб келадиган органларнинг вирусли шикастланишларини ўрганиш зарурлигини асослайди (Мажидова Ё.Н., Ўринов М.Б. 2020, 2021 й.).

Мамлакатимиз олимларининг аксарияти ҳомиладор аёлларда SARS (Severe acute respiratory syndrome)-CoV-2 (Severe Acute Respiratory Syndrome, Coronavirus-2) – янги пандемия COVID-19 коронавируси билан касалланганида юқумли жараённи ўрганиш бўйича илмий ишлари ҳомиладорликнинг бориши ва вируснинг турли штаммларининг пайдо

бўлиши, ҳомила ва туғруқдан кейинги даврга таъсири, неврологик функцияларга таъсири, турли аҳоли гуруҳлари рационидаги микронутриентларнинг ролини (Иноятов А.Ш., Наврўзова Ш.И. 2019) ўрганган, аммо ҳомиладорлик ва туққан аёлларда гормонлар ва микроэлементлар неврологик дисфункциялар ва депрессив асоратлар билан боғлиқлигини ва уни кечишининг ўзига хос хусусиятларини клиник нуқтаи назардан илмий асослаш бўйича тадқиқотлар ўтказилмаган.

Тадқиқот микроэлементларни ўзида сақловчи тинчлантирувчи доривоситаларни қўллаш орқали ҳомиладорликдан олдинги ва ҳомиладорлик пайтидаги асоратларини олдини олиш зарурлигини аниқ кўрсатди. Хавотирли ва депрессив касалликлар, уйқусизлик ва туғруқдан кейинги стресс бузилишининг фармакологик ва психотерапияси – ҳомиладор ва туғруқдан кейинги аёлларда COVID-19 билан боғлиқ бўлган туғруқдан кейинги стресс бузилиши (ТКСБ) ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлар ва режалар билан алоқаси. Ушбу диссертация иши Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтининг “Бухоро худуди иссиқ иқлими шароитида организмнинг патология олди ва патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш (2017–2021 йй.)” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади: Турли гестация муддатларда COVID-19 инфекциясини ўтказган ҳомиладорларда туғруқдан кейинги даврда неврологик статусни баҳолашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

Бухоро вилоятида 2020-2021 йиллар давомида COVID-19 инфекциясини кечирган ҳомидорларда акушерлик, соматик асоратларни ретроспектив ва туққанларда неврологик-депрессив бузилишларни проспектив баҳолаш;

COVID-19 ўтказган ҳомиладор ва туққанларда акушерлик асоратлар орасида неврологик ва депрессив бузилишларни клиник-лаборатор, нейровизуал усуллар орқали ташхислаш;

туққан аёлларда гормонал, биокимёвий ва неврологик бузилишлар орасидаги ўзаро корреляцион боғлиқликликни аниқлаш;

пуэрпурия даврида неврологик асоратларни ривожланиш хавфларини эрта башоратлаш матрицаси ЭХМ дастурини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот объекти: Тадқиқот 2 босқичда олиб борилган: 114 нафар COVID марказида даволанган ҳомиладорлар аёллар касаллик тарихи ретроспектив таҳлил қилинди. Иккинчи босқичда проспектив 81 нафар ҳомиладорликнинг турли гестация муддатида COVID-19 билан касалланиб, туғруқдан кейинги аёллар ва назорат гуруҳи сифатида 80 нафар нисбатан соғлом, туғруқдан кейинги аёллар олинган.

Тадқиқот предмети биокимёвий, гормонал, нейровизуал тадқиқот натижалари учун туққан аёлларнинг веноз қон ва қон зардоби намуналари олинган.

Тадқиқот усуллари. Ишда клиник-неврологик, биокимёвий, гормонал лаборатория усуллари, нейропсихологик текширув, нейровизуал (ЭЭГ) ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

туғруқдан кейинги даврда COVID-19 инфекцияси ўтказган аёлларда биринчи марта неврологик ва депрессив асоратларни эрта башорат қилиш матрицаси Соғлиқни Сақлашнинг бирламчи бўғини тизими учун ишлаб чиқилган;

биринчи марта COVID-19 инфекцияси билан касалланган ҳомиладорлик ва туғруқдан кейинги даврда марказий ва вегетатив нерв тизимини комплекс ўрганиш ўтказилган;

COVID-19 инфекциясига чалинган ҳомиладорларда туғруқдан кейинги даврда неврологик дисфункциялари ўрганилган ва уларнинг биокимёвий-гормонал ва нейровегетатив текширув кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

олинган натижалар асосида аниқланган неврологик дисфункция, акушерлик ва соматик асоратларни олдини олиш мақсадида COVID-19 инфекциясидан кейин ҳомиладор ва туққан аёлларда неврологик бузилишлар диагностик маркёрлари аниқланиб, реабилитация чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

COVID-19 инфекцияси билан касалланган ҳомиладор ва туғруқдан кейинги аёлларда асаб касалликлар диагностикасини такомиллаштириш, ривожланишини олдиндан аниқлаш ҳамда терапевтик-профилактик, чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилган;

неврологик ва депрессив касалликлар ривожланишини инobatга олган ҳолда, COVID-19 инфекциясининг ҳомиладорлик ва туғруқдан кейинги даврда таъсирининг аҳамияти илмий асосланган ва ишлаб чиқилган;

тадқиқот натижаларига кўра, коронавирус инфекцияси билан касалланган ҳомиладор аёлларда туғруқдан кейинги даврда неврологик асоратларни ривожланиш хавфини ҳар томонлама баҳолаш учун башоратлаш матрицаси ишлаб чиқилган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги тадқиқотда қўлланиладиган замонавий тасдиқланган ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, инструментал, лаборатория ва статистик усуллар билан тасдиқланди; тадқиқотда туғруқдан кейинги даврда текширилган аёлларнинг етарли сони, олинган натижаларнинг назарий ва амалий ҳисоб-китобларга мувофиқлиги, олинган натижаларни хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққослаш, ваколатли тузилмалар томонидан олинган натижаларни тасдиқлаш.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти келгусида республикада коронавирус инфекцияси билан касалланган ҳомиладор аёлларда неврологик асоратлар шаклланишини чуқур ўрганиш учун назарий ва амалий билимлар даражасини кенгайтиришдан иборат. COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёлларда туғруқдан кейинги даврда неврологик асоратларнинг пайдо бўлиши, шунингдек, марказий асаб тизимининг функционал

ҳолатининг ўзгариши, биокимёвий ва коагуляция тизим кўрсаткичлари фаоллиги билан боғлиқ акушерлик асоратларининг ривожланиши, ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги, ушбу патологиянинг патогенезининг янги томонларини очиб бериш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, коронавирус инфекцияси билан касалланган ҳомиладор ва туғруқдан кейинги аёлларда аниқланган неврологик асоратлар, шунингдек, биокимёвий кўрсаткичлар, гемостаз кўрсаткичлари бўйича сўровномалар натижаларини шарҳлашда услубий ёндашувлардан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларинининг жорий қилиниши. Неврологик ва депрессив касалликларнинг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда, COVID-19 инфекциясининг ҳомиладорлик ва туғиш жараёнига таъсирини ўрганиш натижаларига кўра:

“COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёлларда неврологик асоратларни ривожланиши учун хавф гуруҳини яратиш усули ва уларнинг олдини олиш усуллари” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 12.10.2021 йилдаги 8н-р/ 889-сон маълумотномаси);

“COVID-19 дан кейин ҳомиладор аёлларда неврологик асоратларни тахмин қилиш усуллари” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 12.10.2021 йил, 8н-р/890-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияномалар неврологик касалликларга чалинган ҳомиладор аёлларни олиб бориш тактикасини ишлаб чиқиш, юқори хавф омиллари билан боғлиқ ҳомиладорлик асоратларини камайтириш имконини берган;

Олинган илмий натижалар, COVID-19 инфекциясига чалинган ҳомиладорда туғруқдан кейинги акушерлик асоратларни олдини олиш тамойилларининг клиник ва патогенетик асослари соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этилди, хусусан: Бухоро шаҳар 1, 4, 6, 8-сонли оилавий поликлиникаларда, шаҳар туғруқ мажмуаси, Бухоро вилоят тиббиёт муассасаси (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 8-ноябрдаги 8р-қ/408-сонли хулосаси, 2021). Олинган натижаларни амалиётга тадбиқ этиш COVID-19 инфекцияси билан касалланган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорлик, туғруқдан кейинги даврни олиб бориш тактикасини ишлаб чиқиш, асоратлар ривожланишини башорат қилиш, даволаш тактикасини аниқлаш, ҳомиладорлик асоратларини камайтириш, акушерлик ва перинатал касалликларни камайтириш имконини берган, касалликнинг асоратларини камайтириш орқали йўқотишлар ва уларнинг стационар даволанишини қисқартириш орқали тиббий ёрдам сифатини ошириш имконини берган.

Апробация илмий-тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинди ва муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларини нашр этиш. Диссертация мавзуси бўйича 12 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, шундан 9 та журнал мақоласи, жумладан 5 таси республика, 4 таси хорижий нашрларда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 114 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурлиги, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, ушбу тадқиқотнинг фан ва техниканинг устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари, илмий амалий жиҳатдан тавсифланади.

Диссертациянинг биринчи бобида **“Пандемия даврида ҳомиладорлик ва туғруқдан кейинги даврда клиник- неврологик ўзгаришлар”** сўнги йиллардаги илмий манбаларда шарҳ берилган. Коронавирус инфекцияси билан касалланган ҳомиладор аёлларда акушерлик асоратлар ва туғруқдан кейинги даврда юзага келадиган неврологик бузилишлар, унинг диагностикаси, даволаш асослари, ривожланиш хавф омиллари ёритилган. Ушбу касалликларга чалинган аёлларда гормонал, биокимёвий ва неврологик ҳолатлар келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **“Ҳомиладорлик ва туғруқдан кейинги даврнинг клиник кечиш хусусиятлари ва тадқиқот усуллари”** коронавирус инфекциясига чалинган ҳомиладор аёллар ва туғруқ давридаги аёллар контингенти ўрганилиб, замонавий диагностика усуллари ва қўлланилаётган диагностика тестлари батафсил ёритилган.

Тадқиқот 2 босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқичда Бухоро вилояти COVID марказида даволанаётган 1877 нафар аёл (бош врач Ачилов Ф.У.) тўғрисидаги маълумотлар таҳлил қилинди. Тадқиқот 2020-йилнинг июлидан 2021-йилнинг июнига қадар ўтказилди. Барча беморларнинг томоғидан олинган суртмада COVID-19 вирусининг нуклеин кислотаси аниқланди.

Текширувдан ўтказилган COVID-19 билан касалланган аёллар орасида турли гестацион ҳомиладорлик давридаги 114 нафар ҳомиладор аёллар касаллик тарихи ажратилиб, ўрганилди. Ушбу ҳомиладор аёллар олдинги коронавирус инфекцияси билан ҳомиладорликнинг кечишини ўрганиш учун ретроспектив гуруҳни ташкил этди. Ёш градацияси 19 ёшдан 39 ёшгача (ўртача ёши $27,9 \pm 1,8$ йил). Ҳомиладорлик муддати 12 ҳафтадан 37 ҳафтагача бўлган (ўртача ҳомиладорлик муддати $29,5 \pm 0,3$ ҳомиладорлик ҳафтаси).

Тадқиқотнинг *иккинчи босқичида* турли ҳомиладорлик даврларида COVID-19 инфекцияси билан касалланган 81 нафар аёл ўртасида туғруқдан кейинги давр таҳлили ўтказилди. Тадқиқот Бухоро шаҳар туғруқ мажмуасида (COVID - 19 ўрганиш гуруҳи) тукқан аёлларда бевосита туғруқдан кейинги даврда ўтказилди. Бизнинг тадқиқотларимизга кўра, тадқиқот гуруҳларидаги аёлларнинг ёши 18 ёшдан 39 ёшгача бўлган, ўртача ёши мос равишда $27,2 \pm 0,58$ бўлиб, сезиларли фарқларга эга эмас эди.

Беморнинг аҳволини текшириш ва баҳолаш ЖССТ экспертларининг амалий саломатлик бўйича тавсияларига мувофиқ амалга оширилди [ЖССТ, Женева, 2012].

Текширув динамикаси эрта (туғруқхонада бош врач З.М.Саидова) ва туғруқдан кейинги даврда (“Насриддин Шамс Мед” хусусий клиника, директор Насриддинов И.Ш.) ўтказилган.

COVID - 19 дан кейин уйку бузилиши ва бош оғриғи бўлган туғруқдан кейинги даврда гормонал ҳолат ва ЭЭГ тадқиқотлари туғруқдандан кейин 7 ва 14 кунларда ўрганилди. Ишнинг барча босқичларида тадқиқотни ўтказишга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар, шунингдек, тадқиқотнинг ишончлилиги ва частотасига таъсир қилувчи омиллар қайд этилмаган.

Гормонал ва биокимёвий ҳолатни ўрганиш асосий гуруҳдаги 80 нафар аёлларда ва қиёсий гуруҳининг 19 нафар аёлларида ўтказилди. Тадқиқотлар "Азиз Инсон" хусусий клиникасида олиб борилди (директор Истамова Р. М.)

Кортизол, прогестерон, Д витамини, Д-димер, ферритиннинг кўрсаткичлари Миндрай 96А аппаратида ИФА усули билан аниқланди (2015; Россия).

Қон зардобида прогестеронни аниқлаш стандарт реактив Хема тўпламлари ёрдамида аниқланган (Россия).

Қон зардобидаги кортизол даражаси стандарт Ассу-Винт реагентлари тўплами ёрдамида аниқланган (АҚШ).

Қон зардобидаги ферритин, С-реактив оксил концентрацияси “Вектор-Бест” тест-системасида иммунофермент таҳлили (ИФА) усулида аниқланди (Россия). Д-димер, 25 (ОН) Д витамини иммунокимёвий анализаторлар Elecsys i sobase ва Cobas Roche стандарт тўпламлари ёрдамида автоматик ЭДТА биокимёвий анализаторда амалга оширилган (Германия).

Қон плазмасидаги гомоцистеин миқдори Axies-Shield реактивлари ёрдамида икки фазали иммунофермент усулида аниқланди (Буюк Британия).

Барча аёллар стандарт техникага мувофиқ клиник ва неврологик текширувдан ўтдилар. Неврологик ҳолатни баҳолаш учун барча беморлар неврологик амалиётда умумий қабул қилинган тестлардан фойдаланган ҳолда нейрпсихологик тадқиқотлар ўтказилган.

Вейн А.М. (1998) нинг сўровномаси бўйича вегетатив ўзгаришларни баҳолаш ҳомиладорликнинг турли даврларида коронавирус инфекциясидан азият чеккан 81 нафар туғруқ вақтидаги ва 40 нафар амалда соғлом туғруқ давридаги аёлларда ўтказилди. Вейн А.М. нинг сўровномаси асосида вегетатив дистония синдромининг (ВДС) яққол мавжудлиги аниқланган.

Хавотир ва депрессия даражасини баҳолаш учун Спилбергер-Ханин тести (1978) амалга оширилган.


Туғруқдан кейинги депрессияни баҳолаш учун туғруқдан кейинги депрессив ҳолати Эдинбург шкаласи (ингл.Edinburgh Postnatal Depression Scale) скрининг усули ёрдамида баҳоланган.

Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш Microsoft Excel 2019 дастурий пакетида амалга оширилди. Гуруҳларни таққослаш Студент t-критериялари normal тақсимланишини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди. Фарқлар 95% эҳтимоллик билан муҳим деб ҳисобланди ($P < 0.05$). Корреляция хусусиятлари Спирменнинг нопараметрик усули ёрдамида ўрганилган.

Диссертациянинг учинчи бобида “COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёлларнинг ҳомиладорлик ва туғруқдаги соматик ва акушерлик ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари” ҳомиладорликнинг турли босқичларида COVID-19 инфекциясига эга бўлган ҳомиладор аёлларнинг ретроспектив таҳлили маълумотлари келтирилган.


Бухоро вилояти Ковид марказида даволанаётган 1877 нафар аёлнинг туғруқ тарихини ретроспектив таҳлил қилиш натижасида 114 нафар турли ҳомиладорлик даврида неврологик бузилишлар аниқланган аёллар ва бу 6,1% ни ташкил этган.

COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёллар орасидаги ёш 21 дан 26 ёшгача (45,6%; 52/114) ва 27 дан 34 ёшгача (38,6%; 44/114) бўлган. COVID-19 билан касалланган ҳомиладорлар орасида 35 ёшдан юқори 13,2% (15/114) ва 20 ёшдан кичиклар 2,6% (3/114) ташкил этган (1-расм).



1-расм. Коронавирус инфекцияси билан касалланган ҳомиладор аёлларнинг ёш бўйича градацияси

Барча ҳомиладор аёллар орасида, ҳомиладорлик биринчи триместрда инфекция 4,9% ҳолларда (1-13 ҳомиладорлик ҳафта, 4/114), иккинчи триместрда 28,4% (14-27 ҳомиладорлик ҳафта, 23/114) ва 66,7% ҳолларда учинчи триместрда (54/114) (2-расм).



2-расм. Текширилган ҳомиладор аёлларни COVID-19 инфекциясини ўтказган гестация муддати

Энг кенг тарқалган соматик патология (1-жадвал) артериал гипертензия (32,5%), оёқ қон-томирларининг варикоз кенгайиши (16,7%), камқонлик (49,1%), турли даражадаги намоён булишлар енгил даражадан оғир даражагача (4 беморда), қалқонсимон без касаллиги (34,2%), ортиқча вазн ва семизлик (14,9%).

Қиёсий таҳлилда биз коронавирус инфекцияси билан касалланган ҳомиладор аёлларда соматик ҳолат назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада юкланганлигини аниқладик. Асосий гуруҳдаги ҳамда назорат гуруҳидаги ҳомиладор аёллар орасида энг кенг тарқалган соматик патология камқонлик касаллиги эди. Шунингдек, асосий гуруҳда диффуз бўқоқ сезиларли даражада тез-тез қайд этилган, бу 19,7% да, назорат гуруҳида эса ҳомиладор аёлларнинг атиги 2,5% да қайд этилган ($P < 0,01$).

1-жадвал

COVID-19 инфекция билан касалланган ҳомиладор аёллар орасида соматик патологиялар таҳлили

	Асосий гуруҳ (n=114)		Назорат гуруҳ (n=80)	
	Абс.	%	Абс.	%
Артериал гипертензия	37	32,5	0	0
оёқ қон-томирларининг варикоз кенгайиши	19	16,7	2	2,6*
қалқонсимон без касаллиги	39	34,2	38	47,5
Камқонлик	56	49,1	4	5,0*
ортиқча вазн ва семизлик	17	14,9	1	1,3*
Соматик патологиясиз	22	19,3	35	43,8*

Эслатма: * - гуруҳлар ўртасидаги маълумотларнинг ишончлилиги ($P < 0,05-0,01$)

Коронавирус инфекцияси ўзига хос бўлмаган клиник белгилар билан намоён бўлди - касалликнинг симптомсиз кечиши ҳоллари бундан мустасно, 70 нафар ҳомиладор аёлда тана ҳароратининг кўтарилиши кузатилди.

69 та ҳолатда турли даражадаги оғирликдаги қуруқ ёки оз миқдорда балғамли йўтал қайд этилган. Ҳомиладорлик фонида барча беморларда чарчоқнинг кучайиши қайд этилган.

Кўнгил айнаши, қусиш, ич кетиш ҳақида шикоятлар жуда кам учрайди - 114 ҳомиладор аёлдан 10 нафар бундай клиника мавжуд бўлган, бошқа аломатлар: йўтал, иситма истисно қилинмаган.

36 нафар беморда турли даражадаги нафас қисилиши касалликнинг кечиши билан бирга келди - улардан 6 нафарида КТ-3 ҳажмида ўпка тўқималарининг шикастланиши ва касалхонага ётқизилганида тахипноэ бўлган – бир дақиқада 26 марта нафас ҳаракати аниқланган. Сатуратция 94% дан пастга тушмаган. Ҳомиладор аёлларнинг тахминан 22% таъм сезгисини йўқотди, таъмни йўқотиш ва тиклаш вақт оралиғи ҳидни йўқотиш билан бир хил эди.

Уч кундан беш кунгача давом этган ҳароратда ва йўтал пайдо бўлганда, 23 нафар ҳомиладор аёл кўкрак қафасининг компьютер томографиясини ўтказди - барча ҳолатларда икки томонлама полисегментал интерстициал пневмония аниқланди, ўпка тўқималарининг шикастланиши ҳажми КТ-2 ни ташкил этди.

Ҳомиладорлик давридаги асоратларни қиёсий таҳлил қилишда биз ҳомиладорликнинг биринчи ярмида асосий гуруҳдаги аёлларнинг 65,4 % токсикоз кузатилганлигини, назорат гуруҳида эса 22,9 % кам бўлганлигини аниқладик (2-жадвал).

2-жадвал

Ҳомиладорлик даврида асоратлар ривожланишининг қиёсий хусусиятлари

	Асосий гуруҳ (n=114)		Назорат гуруҳ (n=80)	
	Абс.	%	Абс.	%
I – ярим				
Токсикоз	75	65,4	34	22,9
Ҳомила тушиш хавфи	76	66,7	24	30,0*
Ривожланмаган ҳомиладорлик	3	2,6	0	0
II – ярим				
Презклампсия	58	50,6	0	0
Қон кетиш	10	8,8	0	0
Муддатдан олдинги туғруқ	14	12,3	0	0
Муддатдан олдин қоғоноқ сувининг кетиши	34	29,8	0	0

Эслатма: * - гуруҳлар ўртасидаги маълумотларнинг ишончлилиги ($P < 0,05-0,01$)

Ҳомиладорликни тушиш хавфи асосий гуруҳнинг 66,7 %ида қайд этилган, бу назорат гуруҳига нисбатан 2,2 баравар кўп ва сезиларли характерга эга ($P < 0,05$).

Оғир даражадаги презклампсия ҳомиладорликнинг 50,6% да кузатилган, 40% ҳомиладор аёлларнинг аҳволи ёмонлашишига ва жарроҳлик аралашувига сабаб бўлган.

Асосий гуруҳдаги ҳомиладор аёлларнинг 8,8% ида қон кетиш қайд этилган. Муддатдан олдин қоғоноқ сувининг кетиши фақат ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида асосий гуруҳнинг ҳомиладор аёлларида кузатилди ва мос равишда 12,3% ва 29,8% ни ташкил этди.

Ҳомиладор аёлларнинг асосий гуруҳида (3-жадвал) муддатдан олдин туғиш назорат гуруҳига қараганда 2 баравар кўпроқ кузатилган, бу сезиларли даражани кўрсатади ($P < 0,05$).

3-жадвал

Ўтказилган СОВИД-19 инфекциясига қараб ҳомиладор аёлларни туғиш муддатлари

Ҳомиладорликнинг туғилиш муддати	Асосий гуруҳ (n=114)		Назорат гуруҳ (n=80)	
	Абс.	%	Абс.	%
27-30 хафта	20	17,5	0	0
30-32 хафта	7	6,1	0	0
33-34 хафта	17	14,9	0	0
35-37 хафта	20	17,5	8	10
38-40 хафта	51	44,4	72	90*

Эслатма: * - гуруҳлар ўртасидаги маълумотларнинг ишончлилиги ($P < 0,05-0,01$)

Асосий гуруҳдаги 114 нафар ҳомиладор аёлдан 67 нафари (58,1%) табиий туғруқ ва 47 нафарида (41,2%) ҳомиладорлик ва туғруқ жараёнидаги

турли асоратлар туфайли кесарча кесиш амалиёти ўтказилди. Ҳомиладор аёлларнинг асосий гуруҳида муддатидан олдин туғиш назорат гуруҳига қараганда 2 баравар кўпроқ кузатилган, бу сезиларли даражани кўрсатади ($P < 0,05$).

Лаборатория тадқиқотлари натижалари шуни кўрсатдики, С-реактив оксил ва гемостаз тизимининг кўрсаткичлари сезиларли даражада ошган, 23 нафар беморда улар норма кўрсаткичининг юқори чегарасидан ошган, сезиларли лейкопения ва лимфопения аниқланмади. (4-жадвал).

4-жадвал

COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёлларнинг клиник ва лаборатория маълумотлари

Кўрсаткич	Асосий гуруҳ (n=114)	Назорат гуруҳ (n=80)
Нв, г/л	84,2±1,3	99,9±1,2
Эритроцитлар, $10^{12}/л$	3,7±0,3	3,4±0,07
Лейкоцитлар, $10^9/л$	8,0±0,1	8,4±0,16
Тромбоцитлар, $10^9/л$	276,9±10,1	197,5±1,5*
ЭЧТ, мм/ч	23,6±1,12	14,7±0,4*
Протромбин индекс, %	66,2±1,1	85,6±1,5*
Фибриноген, г/л	5,2±0,6	3,1±0,05*
Қисмат фаоллашган тромбопластин вақти (ҚФТВ)	22,1±1,1	25,8±0,5*
Д-димер, нг/мл	1370,2±6,0	639,5±16,7*
Ферритин, нг/мл	226,6±1,1	87,6±1,5*
С - реактив оксил, мг/л	63,1±0,6	15,7±1,4*

Эслатма: * - гуруҳлар ўртасидаги маълумотларнинг ишончлилиги ($P < 0,05-0,01$)

Гемостаз тизимини ўрганиш жараёнида баъзи оғишлар аниқланди: COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёлларда қон ивиш жараёнининг бузилиши кузатилди.

Касалликнинг енгил кечишига қарамадан, гемостаз тизимидаги ўзгаришлар сезиларли даражада юқори бўлган ($P < 0,05$). Фибриноген даражасининг ошиши клиник таъсирга эга. Оғир ҳолатларда Д-димер даражаси сезиларли даражада ошади, бу потенциал хавф омили ва салбий прогноз учун асосдир.

Антикоагулянт терапия олган беморларда ҚФТВ, Д-димер ва ҚИВ даражаси кузатилиб борилди. Антикоагулянт терапияни тўхтатиш масаласи коагулограмма ва Д-димер кўрсаткичлари асосида амалга оширилди. Ферритин ва С-реактив оксил даражасининг 2-3 баробар ортиши бактериал инфекцияни мавжудлигини кўрсатди, бу беморлар шифохонага қабул қилинган пайтдан бошлаб антибиотик терапия бошланган.

Ҳомиланинг қониқарсиз ҳолати, преэклампсиянинг қўшилиши кесарча кесиш ва табиий йўл билан туғдириш операцияларига асосий сабаб бўлди. Агар она ва ҳомиланинг аҳволи қониқарли бўлса, табиий йўл орқали туғдириш кесарча кесиш амалиётидан кўра афзалроқдир, шу билан бирга оператив туғруқ пайтида, ҳомила олингандан сўнг дарҳол аортокавал сиқилиш ва бачадон қисқариши натижасида юзага келадиган

гиперволемиянинг ривожланиши аёлда нафас етишмовчилигининг кучайишига сабаб бўлувчи муҳим омил бўлиб ҳисобланади.


Шу маълумотни келтириб ўтиш керакки, кесарча кесиш операциясининг кўрсаткичи оғир эпидемиологик вазият туфайли ошмади, чунки тегишли туғдириш усулини танлашда, биз биринчи навбатда акушерлик амалиётига эътибор қаратдик.

Туғруқдан кейинги даврда асосий гуруҳдаги аёллар уйку бузилиши, хотира бузилиши, бош оғриғи, уйкусизлик ва хавотирдан шикоят қилдилар (3-расм).



3-расм. Туғруқдан кейинги даврда аёлларнинг шикоятлари

Бундан ташқари, шуни таъкидлаш керакки, ушбу биокимёвий кўрсаткичлар асосий гуруҳдаги аёлларда туғруқдаги микроэлементлар ҳолатининг сезиларли даражада пасайиши фониди ортади (4-расм).



4-расм. COVID-19 билан касалланган туғруқдан кейинги даврда аёлларда биокимёвий кўрсаткичлар ва микроэлементлар даражаси

Шундай қилиб, Д витамини кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан 2,6 баравар, Рух ҳам 1,8 баравар камайганини, ферритин даражаси эса 1,3 баравар ошганини кўришимиз мумкин.

Диаграммадан кўришиб турибдики, туғруқдан кейинги даврда аёлларда Д витаминининг паст даражаси аниқланган. Бундан ташқари, асосий гуруҳдаги ўртача кўрсаткичлар 2,6 баравар камайди, бу қондаги Д витаминининг етишмаслигига тўғри келди ($28,4 \pm 0,21$ га нисбатан $10,9 \pm 0,12$; $P < 0,01$). Д витаминининг бундай камайиши, эҳтимол, ҳомиладорлик ва олдинги КВИ касалланиши билан боғлиқ. Бундан ташқари, ҳомиладор аёлларнинг кўпчилиги ҳомиладорлик пайтида Д витамини қабул қилмаганлигини аниқладик.

Шунингдек, биз таққослаш гуруҳи маълумотларига нисбатан туғруқдан кейинги даврда асосий гуруҳнинг туғруқдан кейинги аёлларида юқори Д-димер индексларини аниқладик, унинг ўсиши ўртача $1363,3 \pm 65,1$ га, таққослаш гуруҳида $639,9 \pm 16,7$ га етди ($P < 0,05$). Таққослаш гуруҳига нисбатан ($29,5 \pm 3,5$ га нисбатан $15,7 \pm 1,4$; $P < 0,05$) асосий гуруҳнинг СРО маълумотларининг деярли 2 баробар ортиши қайд этилди.

Д-димер ва СРО нинг юқори миқдорлари туғруқ давридан кейинги аёлларда яллиғланиш жараёнининг кучайганлигини кўрсатади, шу билан бирга, таққослаш гуруҳида ҳам, асосий гуруҳда ҳам референс қийматлари 5 мг / л гача етганлиги аниқланди.

Гомоцистеин юрак-қон томир касалликлари ривожланиши тўғрисида хабар берадиган белгиларидан бири бўлиб ҳисобланади. Баъзи тадқиқотларга кўра, гомоцистеиннинг юқори даражаси депрессия ва сурункали чарчокқа олиб келиши мумкин. Ҳомиладорлик даврида гомоцистеиннинг юқори даражаси преэклампсия, нормал жойлашган йўлдошнинг вақтидан олдин кўчиши ва веноз қон томирларининг тромбози ривожланишига таъсир қилиши мумкин. Аёлларда гомоцистеиннинг меъёрий қийматлари 12 мкмол / л ни ташкил этади. Таққослаш гуруҳидаги тадқиқотимизда олинган натижаларни шарҳлаганда, гомоцистеин кўрсаткичлари барча ҳолатларда норманинг юқори чегарасидан ошмади ва ўртача $8,6 \pm 0,1$ мкмол / л ни ташкил этди, асосий гуруҳда эса бу кўрсаткич таққослаш гуруҳига нисбатан 2 марта юқори бўлганлиги аниқланди ($24,5 \pm 6,9$ мкмол / л; $P < 0,01$). Туғруқдан кейинги даврдаги аёлларда гомоцистеиннинг бундай юқори даражаси юрак-қон томир тизимидаги паталогияларнинг ривожланиши тўғрисида хабар бериши мумкин, шунингдек, корреляция таҳлили билан тасдиқланган хавотирли-депрессив синдромнинг мавжудлигини тасдиқлайди.

COVID-19 тадқиқот гуруҳи ва назорат гуруҳи учун туғруқдан кейинги иккинчи куни тўпланган ЭТКДШ шкаласи баллари 5-жадвалда кўрсатилган.

Ўртача ЭТКДШ баллари COVID-19 тадқиқот гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада юқори эди ($8,5 \pm 4,6$ ва $6,34 \pm 4,1$; $P < 0,001$). Умумий ЭТКДШ кўрсаткичи 12 дан юқори бўлган юқори хавф гуруҳидаги аёллар улуши ҳам назорат гуруҳига нисбатан COVID-19 гуруҳида сезиларли даражада юқори бўлган ($28,6\%$ га нисбатан $11,9\%$; $P = 0,006$).


Текширилган аёлларда Эдинбург шкаласи бўйича туғруқдан кейинги ангедония, хавотирланиш ва депрессия бузилишлар орасидаги таҳлили

Шкала	Асосий гуруҳ	Назорат гуруҳи	Маъноси <i>P</i>
Умумий балл ЭТҚДШ	8,5 ± 4,6	6,34 ± 4,1	<0,001
Ангедония	0,60 ± 0,61	0,19 ± 0,36	<0,001
Хавотир	1,28 ± 0,61	1,14 ± 0,73	0,141
Депрессия	0,58 ± 0,54	0,35 ± 0,45	0,001
Глобал рейтинг ЭТҚДШ > 12	26 (28,6)	12 (11,9)	0,006

ЭПДШ кичик кўрсаткич таҳлили шуни кўрсатдики, ангедония, хавотир ва депрессия учун ўртача кўрсаткичлар назорат гуруҳига нисбатан асосий гуруҳда юқори бўлган, аммо фарқлар фақат ангедония учун сезиларли бўлган ($0,60 \pm 0,61$ ва $0,19 \pm 0,36$; $P < 0,001$) ва депрессияга нисбатан ($0,58 \pm 0,54$ га $0,35 \pm 0,45$; $P = 0,001$)га тенг.

Кейинги босқичда биз Вейн сўровномаси бўйича автоном нерв тизимини ўргандик, шунингдек, Спилберг-Ханин сўровномаси асосида хавотирлик даражасини баҳоладик.

Вегетатив ўзгаришлар белгиларини аниқлаш учун сўровномани таҳлил қилганда (Вейн А.М., 1998), биз қуйидаги умумий қонуниятларни ўрнатдик, чунки асосий гуруҳда аёлларнинг 97,5% 15 дан ортиқ балл тўплаган, назорат гуруҳида эса атиги 67,5%, яъни ишончли статистик характерга эга ($P < 0,05$). Гуруҳлар учун ўртача балл назорат гуруҳида $18,6 \pm 0,6$ балл ва асосий гуруҳда $38,4 \pm 1,0$ баллни ташкил этди, бу 2,1 баравар юқори ($P < 0,05$). Олинган маълумотлар 5-расмда келтирилган.



5-расм. Туғруқдан кейинги аёлларда Вейн А.М. сўровномаси бўйича вегетатив бузилишларнинг яққол намоён бўлиши

Вегетатив тонуснинг эйтоник варианты асосий гуруҳга нисбатан назорат гуруҳида сезиларли даражада тез-тез кузатилган ($60,0\%$ га нисбатан $5,7\%$; $P < 0,01$), ваготоник вариант ҳам асосий, гуруҳда деярли бир хил

частотада содир бўлган, назорат гуруҳи (11,3% га нисбатан 10,0%; $P > 0,05$), ВНС нинг симпатикотоник тури асосий гуруҳда сезиларли даражада тез-тез учрайди (мос равишда 29,0% 84,3%; $P < 0,05$).

Эмоционал ҳолатдаги хавотир кўрсаткичлари Спилбергер-Ханин тести ёрдамида ўрганилди (6-жадвал).

6-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, эмоционал соҳадаги хавотир кўрсаткичлари беморлар гуруҳида ҳам реактив, ҳам назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада ошди.

6-жадвал

Туғруқдан кейинги даврда текширилган аёлларда хавотирланишнинг ўртача кўрсаткичлари ($M \pm m$)


Текширилаётган гуруҳ	Реактив хавотирланиш	Шахсий хавотирланиш
Асосий гуруҳ (n=81)	44,1±0,77*	50,6±0,59^*
Назорат гуруҳ (n=80)	14,5±0,23	24,5±0,28

Эслатма: * - назорат гуруҳи учун маълумотларнинг ишончилиги ($P < 0,01$)

2-гуруҳ билан солиштирганда 1-гуруҳда хавотирланиш сезиларли даражада устунлик қилди ($P < 0,05$). Бизнинг фикримизча, хотирани йўқотиш фактининг мавжудлиги аллақачон хавотирли бузилишининг шаклланиши учун сабабдир.

Бош миянинг электр фаоллигини таҳлил қилиш учун ўтирган тинч уйқоқлик ҳолатда ЭЭГ (1 дақиқа давомида) қайд этилган. ЭЭГ таҳлили умумий қабул қилинган усуллар асосида қайд этилади.


Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ҳомиладорлик пайтида прогестерон, шу жумладан эндоген сенсibiliзатор бета-адренергик рецепторлари иштирокида, ВНС симпатик бўлимининг супрасегментар ва сегментар бўлинмаларида нейронларнинг фаоллигини оширади. Бу тета ритмининг кучи, бета1- ритмининг индекси ва амплитудаси, шунингдек, бета 2-ритмининг индекси, амплитудаси ва кучининг ортиши билан тасдиқланади. COVID-19 инфекцияси билан касалланган аёллар секин тўлқинли ЭЭГ фаоллигининг ошиши, ЭЭГ когерентлигининг пасайиши билан тавсифланади (6-расм).



